

# **ЎЗБЕКИСТОНДА ТИББИЁТ ПСИХОЛОГИЯСИ: ТАРИХГА БИР НАЗАР ВА ИСТИҚБОЛДАГИ РЕЖАЛАР**

**З.Р. Ибодуллаев**

**Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент**

Психология фанлари ичида тиббиёт психологиясининг алоҳида ўрни бор. 1924 йили Эрнст Кречмер томонидан тиббиёт психологиясининг алоҳида фан сифатида ажратилиши дунё миқёсида бу фаннинг ривожланишига катта туртки бўлди. Дастлабки “Тиббиёт психологияси” дарслиги ҳам ўша пайтда ушбу олим томонидан яратилган. Тез орада Европа давлатларининг нуфузли университетларида тиббиёт психологияси кафедралари, сўнгра факультетлар ташкил қилинади ва бу соҳа бўйича мутахассислар тайёрлаб бошланади.

Дунё илм аҳлига маълумки, бизнинг ҳудудда, хусусан Бухорода таваллуд топган Абу Али Ибн Сино дунё тиббиёти ва психология илмининг кўп йўналишларига асос солган. Бу мутафаккир томонидан беморларни даволашда психологик усуллар жуда кенг қўлланилган. Ибн Сино соматик бузилишларнинг келиб чиқишида руҳий омилларнинг таъсирини алоҳида кўрсатиб ўтган. Ушбу касалликларнинг нафақат этиологияси, балки уларни даволашда ҳам руҳий омилларга катта урғу берган олим “Вужуд руҳ амрига вожибдир” деб хитоб қилади. Биз Ибн Синони психосоматик тиббиётнинг асосчиси, деб бемалол айта оламиз. Албатта, Ибн Синогача бўлган даврда Аристотел, Платон, Гиппократ каби мутафаккирлар томонидан ҳам руҳ ва тана орасидаги боғлиқликлар ўрганилган. Бироқ инсон руҳияти ва тан саломатлигини ўзаро боғлаб ўрганган ва амалиётган кенг қўллаган мутафаккир – бу Ибн Синодир. У беморлар устида олиб борган кузатувлари асосида тиббиёт ва психология орасидаги узвий боғлиқликни умрининг охиригача исботлаб келди. Ғарб олимлари томонидан яратилган аксарият психотерапевтки усуллар Ибн Сино усулларига ўхшаб кетади.

“Тиб қонунлари” ни ўрганар эканмиз Ибн Синонинг тиббиёт психологиясининг йирик йўналишларидан бири бўлган “Психогигиена ва психопрофилактика” билан боғлиқ ишларининг гувоҳи бўламиз. Психогигиенанинг асосий мақсади инсон руҳиятининг барқарор ривожланиши учун мақбул бўлган шароитларни яратиш бўлса, психопрофилактика эса руҳий бузилишларнинг олдини олишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Ибн Сино руҳий бузилишлар профилактикасини амалга оширишда гигиеник талабларга катта урғу бериш лозимлиги ҳақида ёзиб қолдирган ва унга қандай риоя қилишга оид амалий

маслаҳатлар берган. Ваҳоланки, жaxon тиббиётининг барча йўналишларида гигиена ва профилактика йўналишлари мавжуд, соғлиқни сақлашни бошқариш муассасаларида эса тиббий-профилактик структуралар фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистонда тиббиёт психологияси ривожланишини шартли равишда 2 даврга ажратиш мумкин: бири – мустақилликкача бўлган давр; иккинчиси – мустақилликдан кейинги давр. Мустақилликкача бўлган даврда тиббиёт психологиясини ўқитиш психиатрия таркибида олиб борилган ва унга иккинчи фан сифатида қаралган. Унда ўтиладиган мавзулар деярли психиатрия мавзуларини такрорлаган. Ўша пайтлари тиббиёт психологиясини ўқитишда асосий урғу билиш жараёнларига (диққат, хотира, онг, тафаккур) берилган, психосоматик тиббиёт эса эътибордан четда қолган. Ваҳоланки, психосоматик тиббиёт – тиббиёт психологиясининг асосий йўналишларидан биридир.

Албатта тиббиёт психологиясини бошқа соҳа мутахассислари ўқитиши, фаннинг мақсад ва вазифаларини тузишдаги иккиланишлар, кадрлар етишмаслиги бу фаннинг бошқа фанлардан орқада қолиб кетишига сабабчи бўлди. Масалан, тиббиёт психологиясига ёндош бўлган фанлар – неврология ва психиатрия яхши ривожланиб борди. Н.М. Мажидов, А.Р. Рахимжонов, Х.А. Алимов, Ш.А. Мурталибов каби йирик ўзбек олимлари етишиб чиқди, улар ўз соҳалари бўйича катта мактаб яратишди. Мустақилликкача неврология ва психиатрия соҳасида бармоқ билан саналгудек фан докторлари фаолият кўрсатишган бўлса, ҳозирда уларнинг сони 50 дан ошиб кетди. Дунё илмлари орасида неврология ва психиатрия олдинги ўринларни эгаллаб келаётган бир пайтда, тиббиёт психологияси бизда ҳар доим энг орқа ўринларда қолиб келди. Ҳозирда “Тиббиёт психологияси” ихтисослиги бўйича битта ҳам фан доктори йўқ.

Ўзбекистонда тиббиёт психологияси ривожланишининг иккинчи босқичини том маънода ушбу фаннинг клиник фан сифатида шаклланиш босқичи деб атасак бўлади. Бу даврда тиббиёт психологиясини ўқитиш бўйича АҚШ, Германия, Франция, Англия каби ривожланган йирик давлатлар тажрибаси ўрганиб келинди. Тиббиёт таълим масканларида тиббий психологларни тайёрлашга оид Давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари, методик кўрсатмалар, йўриқномалар, назарий ва амалий машғулотлар мавзулари ўрганиб чиқилди. Ушбу давлатларда яратилган дарсликлар асосида Ўзбекистонда биринчи “Тиббиёт психологияси” дарслиги нашр қилинди ва унга юртимизнинг йирик олимлари – В.М. Каримова, У.Х. Алимов ва Б.Ғ. Ғофуровлар юқори баҳо беришди. Бу дарслик “Йилнинг энг

яхши дарслиги” совринига сазовор бўлди ва 3 маротаба нашрдан чиқди. Тиббиёт психологияси ҳозирда ушбу дарслик асосида ўқитилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш тизими тиббий психологларга жуда муҳтож. Шу боис 2011 йилдан бошлаб тиббиёт олийгоҳларида “Тиббиёт психологияси” мутахассислиги бўйича магистратура ва клиник ординатура йўналишлари очилди.

“Тиббий психология” магистратура мутахассислигининг давлат таълим стандарти ишлаб чиқилди. Ушбу ДТС ни ишлаб чиқишда Европа давлатлари таълим стандартлари асос қилиб олинди. Тиббий психология клиник фан бўлганлиги боис, магистратурада ўқиш давомийлиги 3 йил қилиб белгиланди. Магистратурага фақат даволаш йўналишидаги факультетларни 7 йил ўқиб тугатган бакалаврлар қабул қилинади.

Талаба-магистрлар 3 йиллик ўқиш мобайнида умумий тиббиёт психологияси (1-ўқув йили), нейропсихология (2-ўқув йили) ва хусусий тиббиёт психологияси (2-ва 3-ўқув йиллари) бўлимлари бўйича таҳсил олишади. Тошкент тиббиёт академияси юқори малакали тиббий психологларни тайёрлаш мақсадида 10 та йирик Илмий-тиббий марказ (нейрохирургия, онкология, фтизиатрия, кардиология, урология, терапия, шошилинч тиббиёт, фтизиатрия, гинекология, ОИТС га қарши кураш маркази) ҳамда психиатрия клиник шифохоналари, психоневрологик диспансерлар, “Оила” илмий-амалий маркази, Миллий Университет қошидаги “Психологик ёрдам маркази” билан шартномалар тузган. Бундай марказларда улар психодиагностика, нейропсихология, психотерапия, психосоматик тиббиёт, тез тиббий-психологик ёрдам методларини ўзлаштиришади ва параллел тарзда илмий-тадқиқот ишларини олиб боришади.

Магистратура босқичининг 1-семестрида ҳар бир магистр диссертация мавзусини тасдиқдан ўтказишади. Диссертация мавзулари турли патологик ҳолатларда ва психосоматик бузилишларда беморларга тиббий-психологик ёрдам кўрсатишга бағишланган. Илмий раҳбарларнинг деярли 70 % фан докторларидир. Дарслар ўзбек, инглиз ва рус тилларида олиб борилади. Таълим бериш билан боғлиқ барча ҳужжатларнинг инглиз тилидаги варианты мавжуд бўлиб, инглиз тилида олиб борилаётган дарсларнинг улуши ортиб бормоқда. Талаба магистрлар 2015 йили Берлинда ва Италиянинг Милан шаҳрида бўлиб ўтган неврология ва нейропсихология масалаларига бағишланган илмий анжуманларда иштирок этишди. Ҳозирда нуфузли университетларнинг тиббий психология, нейропсихология ва психосоматик тиббиёт йўналишида фаолият юргизаётган

олимлар билан ҳамкорлик ишларини йўлга қўйиш устида ишлар олиб борилмоқда. Уларни Тошкент тиббиёт академиясида режали тарзда маърузалар ўқиш ҳамда тиббий психология йўналиши магистрлари билан мастер-класслар ўтказишлари бўйича мунозаралар олиб борилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, биз Республикамизда биринчи бор нейропсихологияни ўқитишни йўлга қўйдик. Чунки барча давлатларда нейропсихологлар айнан тиббий (клиник) психология кафедраларида етишиб чиқишади. Бунинг учун биз нейропсихологиянинг ҳар бир мавзуси бўйича методик тавсияномалар ишлаб чиқдик, нейропсихологик текшириш усулларини ўзбек тилига ўгирдик, кенг қўлланиладиган нейропсихологик тестлар ҳам ўзбек тилида тайёрланди ва модификация қилинди. Ҳозирда нейропсихология бўйича ўқув адабиётини тайёрлаш устида иш олиб борилмоқда.

Юқори малакали нейропсихолог бўлиш учун неврологияни, айниқса бош мия неврологиясини мукамал билиш талаб этилади. Шу боис биз неврология фанига қизиқувчи, бу фан бўйича илмий тўғаракларга қатнашиб юрган талабаларни жалб қилишга ҳаракат қиляпмиз. 2015 йили “Тиббий психолог. У ким” мавзусида савол-жавоблардан иборат 1500 дана методик қўлланма ишлаб чиқдик. Республикамизнинг барча тиббиёт институтлари талабалари ва ўқитувчилари билан давра суҳбати уюштирилди ва ушбу китобча битирувчи талабаларга бепул тарқатилди. Биз тиббий психология [www.asab.uz](http://www.asab.uz) сайтини яратдик ва бу сайт ўзбек, рус ва инглиз тилларида фаолият кўрсатмоқда. Тошкент тиббиёт академияси раҳбарияти бу борада бизни ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқд. Тиббиёт психологияси бўйича ўзбек тилида тайёрланган барча ўқув адабиётлари, психологик тестлар, ўқув дастурлари ёш ўзбек тиббий психологлари томонидан инглиз тилига ўгирилмоқда ва сайтга қўйилмоқда. Бу сайтдан фойдаланувчилар сони кескин кўпаймоқда.

Магистратурани тугатиб “Тиббий психолог” дипломига эга бўлган мутахассислар Республикамизнинг барча шифохоналари ҳамда илмий-тиббий марказларда “врач-психотерапевт”, “врач-нейропсихолог” ва “врач-психоневролог” бўлиб фаолият кўрсатишади.

Республикамизда тиббий психология йўналиши мустақил фан сифатида энди оёққа туриб келаётганлиги боис истиқболда жуда кўп ишларни амалга ошириш лозим бўлади. Булар қуйидагилардан иборат:

1. Тиббиёт ходимлари ва психологларнинг ўзаро интеграциясини кучайтириш ва амалий психологларни даволаш-профилактика муассасаларига кенгроқ жалб қилиш.
2. Тиббий психология бўйича Тошкент тиббиёт академияси, Ўзбекистон Миллий Университети, Низомий номидаги Тошкент педагогика Университети ва шу йўналишга қизиққан бошқа университетларнинг психология кафедралари билан ҳамкорликда олиб бориладиган илмий-тадқиқот ишларини жадаллаштириш, хориж давлатлари билан ҳамкорликни кучайтириш.
3. Нафақат Тошкент шаҳридаги, балки вилоят марказларида жойлашган тиббиёт институтларида малакали тиббий психологларни тайёрлашни кенг йўлга қўйиш ва бу ишга психологларни албатта жалб қилиш.
4. Барча йирик илмий-тиббий марказларда ва вилоят клиник шифохоналарида “Психосоматик тиббиёт” бўлимларини ташкил этиш, қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникаларда “Психологик ёрдам кабинетлари” ни очиш.
5. Шошинч тиббиёт масканларида “Тез тиббий-психологик ёрдам кўрсатиш хизмати” ни ташкиллаштириш, вилоят ва туман шифохоналарида “Психологик ёрдам кабинетлари” ни ташкиллаштириш.
6. Ўзбекистонда замон ва жаҳон талабларига мос келадиган “Тиббий психологнинг квалификациян характеристикаси” ни қайта тузиб чиқиш.
7. Олий аттестация комиссиясида “Тиббий психология” бўйича илмий даражали кадрларни тайёрлаш бўйича махсус кенгаш тузиш ва бу борада зарур методик кўрсатмаларни тайёрлаш.
8. Яқин 5 йилликда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимининг барча даволаш-профилактика муассасаларини малакали тиббий психологлар билан таъминлашга эришиш.